

ЎЗБЕК ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИДА ДЕҲҚОН ОБРАЗИНИНГ ЭПИК ТАЛҚИНИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7809487>

Тўраева Лайло Омоновна

БухДУ Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчиси

Аннотация. Ўзбек халқ оғзаки ижодида дехқон образи орқали оддий меҳнаткаш инсоннинг типик вакили сифатида талқин қилинади. Дехқончилик халқимиз маданияти тарихида шакланган биринчи касблардан бири бўлиб, фольклор асарларида бу касбга муносабат кўпинча дехқон образи тимсолида бадиий ифода этилади. Ушбу мақолада дехқонлар ҳаёт тарзининг ўзбек фольклори жанрларидағи бадиий ифодаси ёритиб берилади.

Калит сўзлар: дехқон, дехқончилик, мақол, топшишмоқ, қўшиқ, афсона, ривоят, эртак, достон, болалар қўшиқлари, Хизр, Бободехқон, буёдой.

Аннотация. В узбекском фольклоре образ земледельца трактуется как типичный представитель простого рабочего человека. Земледелие – одна из первых профессий, сформировавшихся в истории культуры нашего народа, и в фольклорных произведениях отношение к этой профессии часто художественно выражается в образе земледельца. В данной статье освещается художественное воплощение крестьянского быта в жанрах узбекского фольклора.

Ключевые слова: крестьянин, хозяйство, пословица, загадка, песня, легенда, повествование, сказка, эпос, детские песни, Хизр, Бабадехкан, пишеница.

Annotation. In Uzbek folklore, the image of a farmer is interpreted as a typical representative of a simple worker. Agriculture is one of the first professions formed in the history of the culture of our people, and in folklore works the attitude to this profession is often artistically expressed in the image of a farmer. This article highlights the artistic embodiment of peasant life in the genres of Uzbek folklore

Keywords: a peasant, an economy, a proverb, a riddle, a song, a legend, a story, a fairy tale, an epic, children's songs, hizr, Babadehkhan, wheat.

Ўзбек халқ оғзаки ижодида дехқон образи ўзига хос муҳим ўрин тутади. У ўзида меҳнаткаш инсон образининг муҳим қирраларини умумлаштириб келади. Фольклоршуносликда бу образни нафакат халқ бадиий тўқимасининг маҳсули сифатида, балки тарихий ҳаётӣ образ сифатида ҳам ўрганиш мумкин. Чунки дехқончилик халқимиз маданияти тарихида

шаклланган биринчи касблардан биридир. Шунинг учун фольклор асарларида бу касбга муносабат кўпинча дехқон образи тимсолида бадиий ифода этилади.

Дехқонлар ҳаётига муносабат ўзбек фольклорининг катта-ю кичик жуда кўп жанрларида: мақол, топишмоқ, қўшик, афсона, ривоят, эртак, достон, болалар қўшиклари ва ўйинларида кузатилади.

Дехқончилик юмушлари: ерни ҳайдаб, экин экишга тайёрлаш, экинни экиб парваришилаш, ҳосилни ўриб-йигиб олиш, олинган ҳосилга ишлов берib, уни истеъмолга яроқли ҳолга келтириш жараёнида айтиладиган қўшиклар ўзбек халқ оғзаки ижоди жанрлари орасида “дехқончилик поэзияси” ёки “дехқончилик қўшиклари” номи билан алоҳида туркумни ташкил этади.

Дехқонларнинг ҳаёти ва меҳнат шароитига хос бўлган тушунчалар, иш қуроллари, улардан фойдаланиш тажрибаси ҳамда экин экиб парваришилашга алоқадор тақвим ва билимлар мажмуаси, дехқончилик касбига лирик ва эпик муносабат дехқончилик билан боғлиқ тарзда яратилган фольклор намуналарининг асосий мазмунини ташкил этади. Уларни ўрганиш орқали дехқончилик касбига ва дехқонлар ҳаётига алоқадор муҳим жиҳатларни билиб олиш мумкин.

Ўзбек халқ дехқончилик қўшикларида дехқон образи асосий ўрин тутади. У ўзида меҳнаткаш инсон образининг муҳим қирраларини умумлаштириб келади. Ўтмишда яратилган меҳнат қўшикларида дехқон образи ўрта асрлардаги меҳнаткашларнинг энг ночори ва камбағали образини ўзида ифода этади. Шунинг учун улар жуда камбағал қиёфада, йиртиқ-ямоқ чопонларда, оч-наҳор қилиб қўрсатилади. Уларнинг турмуш тарзи жуда рангсиз акс эттирилади.

Эртак ва достонларда, афсона ва ривоятларда дехқон образи ўрта асрлардаги меҳнаткашларнинг энг ночори ва камбағали образини ўзида ифода этади. Хусусан, майший эртакларда бу кузатилади. Шунинг учун улар жуда камбағал қилиб тасвиrlenади. Масалан, йиртиқ-ямоқ чопонларда, оч-наҳор қилиб қўрсатилади. Уларнинг турмуш тарзи жуда рангсиз акс эттирилади. Бироқ улар ақл-заковатда, куч-кудратда ягона қилиб қўрсатилади.

Айрим эртакларда дехқон ва дев образлари ёнма-ён тасвиrlenаниши кузатилади. Бу ўринда “Авесто”да келтирилган қўйидаги парча алоҳида эътиборни тортади: “Қачонки эгатларда уруғ етилса, девлар ўринларидан

қўпадилар. Қачонки буғдой гуркираб кўкарса, девлар даҳшатдан титрай бошлайдилар. Қачонки буғдой ун бўлса, девлар нола чекадилар. Қачонки буғдой хирмонга уюлса, девлар нобуд бўладилар. Қай бир хонадонда буғдой бош чиқарса, у хонадонга девлар яқинлаша олмайдилар. Қай бир хонадонда буғдой бош чиқарса, у хонадондан девлар узоклашадилар. Қай бир хонадонда буғдой омбори бўлса, гўё қиздирилган темир девлар бўйини чирмаб ташлайди".⁴⁷

Ўзбек халқ дехқончилик қўшиқларида дехқон образи меҳнаткаш халқнинг реал образини, ҳаққоний турмуш тарзини, унинг асрий орзу-интилишларини ўзида бадиий акс эттириб келади.

Дехқончилик қўшиқларида фақат дехқон эмас, унинг атрофида фаолият юритадиган бошқа кишилар: ерни ижарага берувчи золим бойлар, соликчилар, дехқондан назр талаб қилувчи мулла ва эшонлар сатира ва юмор орқали талқин қилингани кузатилади.

Ўлсин, бойнинг оти ўлсин,
Томорқамни яксон қилди.
Оти ўлмаса ўзи ўлсин,
Бизларни хонавайрон қилди.

Дехқон образи бор жойда очкўз бой образи ҳам келтирилиши бежиз эмас. Чунки ўтмишда ҳамма дехқоннинг ҳам ўз ери бўлмаганлиги учун бойларга ёлланиб ишлашга мажбур бўлишган. Жуда кам иш ҳақи учун дехқон эртадан кечгача тинимсиз меҳнат қилгани қўшиқларда алам билан куйланади. Аммо баъзан нобакор бойлар уни-буни баҳона қилиб, дехқонга шу арзимаган иш ҳақини ҳам бермасликка уринишган. Бу ҳақиқат фольклор ва ёзма адабиётда алохида талқин қилинганди. Масалан, дехқонларнинг ўз меҳнатига яраша ҳақ олмаганлиги, камситилганлиги мотиви "Ёзи билан Зебо" достонида, ёзма адабиётда Ойбекнинг "Қутлуғ қон" романида Мирзакаримбойнинг ўз жияни Йўлчини алдаб ишлатгани мисолида ёрқин тасвирланган.

Ўтган асрда яратилган пахтакор дехқонлар қўшиғида қитмир табелчи, танбал ва худбин бригадириу раислар танқид остига олинганлиги кузатилади. Булар орқали дехқонларнинг сатирик қўшиқлари ҳам шаклланганини қайд қилиш мумкин. Кўпинча улар халқ анъанавий қўшиқларидаги бир образни бошқа образга алмаштириш ҳисобига яратилгани кўринади:

Ошқовоқни қайнатиб,

Қора чойнак қайнайди,

⁴⁷ Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. Аскар Маҳкам таржимаси. – Тошкент: Шарқ, 2001.

Ёғини олган хўжайин.
Мехнаткашни ишлатиб,
Жонини олган хўжайин.

Ёғини олган табелчи.
Ёқутойни ишлатиб,
Жонини олган табелчи.

Ўзбек фольклорида дехқонлар томонидан яратилиб, асрлар давомида ижро қилиниб келинган ҳалқ оғзаки ижоди ҳозиргача кўпроқ дехқончиллик қўшиқлари ва улардаги анъанавий образлар ўрганилиб келинган, холос. Ҳолбуки, ўтган асрда дехқон фольклорида юқоридаги каби янги дехқон, табелчи, бригадир, раис, ҳисобчи сингари бир қатор янги образлар ҳам пайдо бўлганини, улар гоҳ ижобий, гоҳ салбий, гоҳ сатирик, гоҳ юмористик руҳда талқин этилганини инкор қилиб бўлмайди.

Ҳалқ орасида шаклланган дехқон билан боғлиқ эътиқодий қараашлар у хақда бир қатор афсоналар яратилишига замин бўлган. Ўзбек фольклорида дехқончиллик пирлари ҳақида турли афсоналар мавжуд. Дехқончиллик билан боғлиқ афсоналар орқали агарар культлар ҳақида маълумотлар олиш мумкин.

Ўзбек афсоналарида буғдой экиб, дехқончиллик қилиш анъанасининг юзага келиши серхосиллик, доимий яшиллик ва хаёт суви тимсолига айланган афсонавий персонаж – Хизр номи билан боғлаб талқин қилинади. Ҳикоя қилинишича, кунлардан бир куни Бободехқон йўлда кетаётиб, бир жойда ухлаб қолибди ва туш кўрибди. Тушида оппоқ соқоли кўксига тушиб турган бир нуроний чол унинг қўлига биттагина буғдой донини бериб: “Мана бу жаннатий неъматни авайлаб-асра, у бола-чақангга ризқ бўлади. Ерни яхшилаб ҳайдаб, мана шу донни экиб қўй, илоҳим баракасини берсин!” – дебди. Бободехқон уйғониб қараса, теварак-атрофида ҳеч ким йўқ, кўрганларининг бари туш экан. Аммо кафтида нимадир борга ўҳшаб туюлибди, қўлини очиб қараса, биттагина дон турган эмиш! У донни кўтариб уйига жўнабди. Йўлда бир булоққа дуч келибди. Сув ичгиси келиб, булоққа энгashiбди ва ҳовуч-ҳовуч сув олиб ичибди. Юз-қўлини ҳам ювгач, ҳалиги дон эсига келиб, қўлини очиб қараса, дон йўқ эмиш. “Хизр бува берган ризқни йўқотганим яхши бўлмади. Энди ўша дон оёқ ости бўлиб, увол бўлмасин” деб ўйлаб, булоқнинг атрофини айлантириб девор урибди. Булоқ суви чиқиб турсин учун девор тагидан озгина тешик ҳам қолдирибди. Шундан кейин Бободехқон ўз қишлоғига қайтиб кетибди. Орадан анча вақт ўтиб, ёз кунларининг бирида нима бўлибди-ю, Бободеконнинг яна ўша булоқ томон йўли тушиб қолибди. Қирдан ошиб ўтаётганда узокдан ўзи курган кўрғон ичидаги нимадир олтиндай товланиб турганига қўзи тушибди. Бориб қўрса, Хизр бува берган ўша бир дона буғдой донидан кўкариб чиқсан майса

ўсіб бош олган ва пишиб етилиб, бўлик, қўша бошогини эгилтириб турган эмиш. Буни кўрган Бободехқон хурсанд бўлиб, донларни олиб, қишлоғига қайтиб борибди ва ўз ерига дон сепиб, буғдой экибди. Буғдой экиб, дехқончилик қилиш ана шундан келиб чиқсан, дейдилар.

Хуллас, дехқон образи халқижодиётининг барча жанрларида ўзига хос тарзда намоён бўлади ва бундай ижод намуналарини ўрганиш орқали маданиятимиз ва маънавиятимиз тарихини ўрганиш билан бирга ёшлиаримизни ушбу меҳнат соҳибларига нисбатан хурмат ва муҳаббат руҳида тарбиялашда муҳим восита вазифасини ўтай олади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. Асқар Маҳкам таржимаси. – Тошкент: Шарқ, 2001.

2. Жўраев М. Дехқон дала айланди. // Наврӯз байрами. – Тошкент: Фан, 2009, 194-212-бетлар.

3. Ураева Д. С., Назарова Г. П. ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК АДАБИЁТИДА КУШЛАР ОБРАЗИ //МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА. – 2020. – Т. 3. – №. 4.

4. Saidahmedovna U. D., Qizi R. G. B. Beliefs About the "Tree of Life" in Uzbek Folklore //Middle European Scientific Bulletin. – 2021. – Т. 8.

5. Saidahmedovna, Uraeva Darmon, and Rustamova Gavhar Bahron Qizi. "Beliefs About the "Tree of Life" in Uzbek Folklore." *Middle European Scientific Bulletin* 8 (2021).

6. Тураева Л.О. ARTISTIC AND COMPOSITIONAL FEATURES OF HARVEST SONGS// Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR) 2021.- C. 629-634.

7. Safarova H. "HAPPINESS IS THE FLAG LANGUAGE, FROM HAPPINESS I AM ALSO A TONGUE!"... ON THE EXAMPLE OF THE WORK OF THE POET SAMANDAR VOHIDOV //Конференции. – 2020.

8. Baqoevna R. M., Oxunjonovna S. H., Qodirovna A. Z. ANALYTICAL AND SYNTHESIZED FOLKLORISM IN NAVOI'S WORK //Journal of Contemporary Issues in Business and Government. – 2021. – Т. 27. – №. 2. – С. 1626-1633.

9. Omonovna T. L. Artistic understanding of peasant life in proverbs //Eurasian Journal of Humanities and Social Sciences. – 2022. – Т. 9. – С. 47-49.

-
10. Darmon U., Rano R., Dilshod R. The Stylization of Prose Tales in Uzbek Children's Literature //Religación. – T. 4. – C. 170-174.
 11. Rajabova R. Z. A LITERARY RIDDLE FROM A FOLK RIDDLE //European Scientific Conference. – 2020. – C. 139-141.